



400-модда

— 90 —

44-45 (440-441)-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ

400

**Айирбошланадиган қимматли қоғозларни тарқатиш
ва жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгар-
тиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 351-1*

(2010 йил 16 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 30 марта 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1997 йил 18 июнда тасдиқланган Айирбошланадиган қимматли қоғозларни тарқатиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 351, 1997 йил 1 июль) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 15 октябрь,
2010-19-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.